

Ш.О. Матёзов

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР ОРАСИДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мазкур мақолада ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни бугунги кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда мавжуд вазиятни комплекс баён этиш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларга илмий амалий ечимлар, таклиф тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Ёшлар ва вояга етмаганлар, гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласи, жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикаси.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕР В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ, СВЯЗАННЫМИ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ НАРКОТИКОВ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ СОТРУДНИКАМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация: В данной статье дана комплексная характеристика современной ситуации с преступлениями, связанными с незаконным оборотом наркотиков среди молодежи и несовершеннолетних, а также научные и практические решения выявленных в результате проблем, предложения и рекомендации.

Ключевые слова: Молодежь и несовершеннолетние, незаконный оборот наркотиков, оперативное выявление и предупреждение преступлений.

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF PREVENTIVE MEASURES IN IMPLEMENTING THE FIGHT AGAINST CRIMES RELATED TO ILLEGAL DEALING OF DRUGS AMONG YOUTH BY INTERNAL AFFAIRS AUTHORITIES

Abstract: This article provides a comprehensive description of the current situation of crimes related to illegal drug trafficking among young people and minors, as well as scientific and practical solutions to the problems identified as a result, suggestions and recommendations.

Keywords: Youth and minors, drug trafficking, rapid detection and prevention of crimes.

Мамлакатимизда гиёҳванд моддаларининг ноқонуний тарқалиши жамиятдаги ижтимоий-психологик муҳитга жиддий таъсир кўрсатади шунингдек, давлатимизнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир қилади ва унинг криминоген ҳолатини ёмонлаштиради. БМТ (UNODC)

2021 йилги ҳисоботида кўра сайёрамизнинг 27% аҳолиси турли хил дори-дармонлардан фойдаланадилар. Жамият тараққиётининг қайси босқичида бўлмасин, умуминсоний яшаш қоидаларининг бузилиши кишилар томонидан кескин қораланган ва айбдорларга нисбатан жазо чоралари қўлланилган¹. Вояга етмаганлар ораси гиёҳванд моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, Ўзбекистон Республикасининг келгуси авлод хавфсизлигининг кафолати бўлиб, мазкур жиноятларга қарши курашиш давлатнинг муҳим стратегик вазифаларидан ҳисобланади. Наркобизнес минтақаларо ва трансмиллий миқёсдаги уюшган жиноятчилик кўриниши сифатида нафақат жиноий, балки сиёсий тусга ҳам эга бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олган ҳозирги замонда халқимизда, айниқса ёшлар қалбида миллий ғурур, ёт ғоялардан сақловчи мафкуравий иммунитетни ошириш талаб этилади². Гиёҳванд билан боғлиқ жиноятларни айниқса вояга етмаган ёшлар ўртасида тарқалишини олдини олиш ва унга қарши курашиш ички ишлар органлари олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, барча соҳавий хизмат ходимларидан ишда юксак уюшқоқликни ва фаолликни талаб қилади. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан имзоланган фармонга кўра,³ ички ишлар органларининг барча хизмат ходимлари олдида қўйилган устивор вазифалардан бири ҳам вояга етмаган ёшлар ўртасида гиёҳванд билан боғлиқ жиноятларни тарқалишини олдини олиш ва унга қарши курашишдир.

Республика ҳудудида гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатларнинг йилдан йилга кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда ноқонуний

¹ Умарханов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни такомиллаштириш муаммолари. Дисс., ю.ф.н. -Т.,2004. -Б.85

² Нигматов Р.О. Мудофа ва хавфсизлик масалаларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Илмий мақола. Ҳуқуқий олам журнали. №2-сон. -Т.,2022. ИИВ Академия. -Б.14.

³Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибini, фуқаролар ҳуқуқларини эркинликларини ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

муомила қарийиб 62 фоизга, ноқонуний муомиладан олинган гиёҳвандлик воситалари саккиз баробарга, янги пайдо бўлган синтетик наркотикларнинг ноқонуний муомаласи 270 баробарга, кучли таъсир қилувчи дорилар 21 фоизга кескин ошганлигини кўришимиз мумкин⁴.

Энг ачинарлиси, ушбу ҳолатлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшларнинг улуши 74 фоизга, уларнинг ичида талабалар 21 фоизга, мактаб ўқувчилари олти баробарга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган истеъмолчилар 60 фоизга кўпайган. Бугунги кунда 986 нафар 14-30 ёшдаги истеъмолчилар рўйхатга олинган⁵.

Ички ишлар органларининг фаол саъй-ҳаракатлари, тезкор-хизмат фаолияти натижасида сўнги йилларда республикада умумий жиноятчилик даражаси пасайиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, республика бўйича 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида умумий жиноятлар сони 2022 йил мобайнида ўтган 2021 йилга нисбатан 5,5 фоизга камайишига эришилган бўлсада, умумий жиноятлардаги салмоғи ҳамон юқориликча қолмоқда⁶. Мазкур статистик маълумотдаги 5,5 фоиз камайишни, республикада ички ишлар органларининг вояга етмаган ёшлар ўртасида олиб борилган комплекс профилактик ва ҳамкорликдаги тадбирлари натижалари сифатида кўришимиз мумкин. Бироқ, ҳали жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган турига ва гиёҳвандликка қарши кураш соҳасига тааллуқли катта вазифалар турибди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар сифатида вояга етмаган ёшларнинг ярми айнан Тошкент шаҳрига тўғри келиши мамлакатимиз пойтахти бўлган шаҳардаги вазият бирмунча оғриқли эканлигидан далолат бермоқда. Шунингдек гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги учун ушланган вояга етмаганларнинг улуши ҳам 2022 йилда олдинги йилларга нисбатан 273,3 фоизга⁷ ошганлиги вояга етмаганлар орасида тезкор-профилактик тадбирларни кучайтириш заруратини кўрсатмоқда. Сўнги йилларида ички ишлар вазирлиги томонидан ёшлар ва вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олиш қаратилган вазифаларни самарали ҳал қилишда барча соҳавий хизматлар фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ёшларни ҳар жиҳатдан ёт ғоялардан сақлаш, уларнинг турли хилдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган йўналишларда катта ишлар

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 25 декабрдаги 2995 рақамли таҳлилий маълумот хати.

⁵ Ўша манба.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот Марказининг 2020 йилдаги маълумоти.

⁷ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказининг 2022 йил 12 ойлик ҳисобот маълумоти.

амалга оширилмоқда. Бунга ҳуқуқий асос сифатида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан имзоланган бир қанча ҳужжатларни келтириб ўтишимиз мумкин⁸. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун ҳам шулар жумласидан бўлиб унга кўра, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлаш, уларни ҳисобга олишни, текширувдан ўтказишни, шунингдек, тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш (11-м); ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда, юқумли касалликларга, бошқа ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, кашандаликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этиш (19-м)”⁹ каби тадбирларнинг белгиланганлиги, ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши курашишга қаратилган профилактик тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб хизмат қилади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларда оддий шахслардан бошлаб, уюшган жиноий гуруҳларгача бўлган доиралардаги шахслар шуғулланмоқда. Бу уюшмаларнинг ҳаракатлари хуфъя таърифга эга бўлиб, нафақат ўрта Осиёнинг балки бошқа МДҲ давлатларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Наркобизнесни амалга оширувчи тузилмалар асосан бир мақсад сари ҳаракат қиладилар. Улар ёшларга руҳан таъсир кўрсатиб, барча имкониятларини ишга солиб, наркотикларга бўлган талабни оширишга интиладилар.

Гиёҳвандлик воситаларини мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кириш ва тарқатиш фаолияти нафақат наркобаронлар балки, оддий фуқаролар, шу жумладан, ёшлар ҳам жалб қилинган. Наркосавдо нафақат кишиларни жисмонан майиб қилади, балки миллиардлаб даромад ҳам келтириб, уларни хуфёна иқтисодиётга йўналтириб, ижтимоий соҳага салбий таъсир кўрсатади.

⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 3 февралдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ6165-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5260791>. Ички ишлар тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идораларига бўлган ишончни яхшилади//https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2019/11/19/feature-01.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон қонуни // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. Мурожаат вақти: 21.10.2023.

Шу боис мазкур ижтимоий иллатга қарши муваффақиятли курашишга бевосита жамиятнинг турли қатламлари, ижтимоий институтлар ва давлат органларининг кучларини бирлаштириш орқали эришиш мумкин.

Бироқ, наркотиноятчилик билан кураш самарадорлигини оширишда фақат куч ишлатиш ва маъмурий чораларни қўллаш билан чекланиб қолмаслик керак. Чунки наркотиноятчиликнинг асосий объекти ёшлар оммаси ҳисобланади. Шунинг учун гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишни янада кучайтириш амалга оширилиши лозим. Шунга кўра, профилактик тезкор-қидирув тадбирларни кенгайтириш, яъни, наркотикларнинг ноқонуний тарқалиши ва истеъмол қилинишининг олдини олиш усуллари турлича бўлиши керак. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларнинг тарқалишига қарши курашишни муваффақиятли олдини олишга салбий таъсир қилаётган қуйидаги омилларни келтириб ўтишимиз мумкин. Булар;

- жамиятдаги ёшларни ижтимоий фойдали бўлган машғулотлар билан тўлиқ камраб олинмаганлиги;
- интернет тармоқлари орқали жумладан, телеграмм ва бошқа ижтимоий сайтларда, интернетнинг қора қисми (DarkNet)да гиёҳвандлик воситаларнинг очиқчасига сотилиши;
- гиёҳвандлик воситаларнинг таъсирини берувчи кучли таъсир қилувчи психотроп моддаларнинг турларини кўпайганлиги;
- ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар назоратининг етарли эмаслиги.

Мазкур муаммоларни мавжудлиги жамиятимизда ёшлар билан боғлиқ давлат сиёсатини амалга оширишда асосий салбий таъсир этувчи омиллар сифатида кўрилиб, келгусида ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан ёшлар ва вояга етмаганлар орасида жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

Бугунги кунда халқаро наркотиноятнинг экспансияси давом этмоқда, бу хавф билан тўқнаш келмаган биронта ҳам давлат қолмаган. Гиёҳвандликнинг тарқалишини жиддий қонунлар ҳам тўхтата олмаяпти. Гиёҳванд моддалар янгидан-янги ҳудудларни камраб олиш, беҳисоб қурбонлар эвазига осонлик билан барча тўсиқларни енгиб ўтиб, қатъият билан тарқалиб бормоқда.

2020 йилдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра, кенг истеъмол қилинаётган гиёҳвандлик восита каннабис (деярли 200 миллионга яқин киши) ҳисобланади, ундан кейинги ўринни амфетаминларга мансуб стимуляторлар (тахминан 50 миллион киши) эгаллайди. 14 миллионга

яқин киши кокаин ва 16 миллион киши эса опиат, шу жумладан, 10 миллион киши героин истеъмол қилади.¹⁰

Наркотикларга мойил шахсларнинг ёши 35 ёшдан ошмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, гиёҳвандлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолининг энг маҳсулдор қисмини такрор ишлаб чиқариш жараёнларидан четга суриб, тўғридан-тўғри таъсир қилиши равшандир. Гиёҳвандлик воситаларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши ҳар бир ҳудудда турли кўринишларда амалга оширилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимиз ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда вояга етмаган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига оид ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни тезкор-қидирув профилактикасини амалга ошириш орқали олдини олиш мақсадида қуйидаги тезкор-профилактик тадбирлар амалга ошириш лозим:

– Маҳаллаларда ва таълим муассасаларида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва кучли таъсир этувчи моддаларга ружу қўйишнинг аянчли оқибатлари мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, таъсирчан тадбирлар ташкил қилиш;

– маҳаллаларда гиёҳвандлик ва кучли таъсир этувчи моддаларга ружу қўйган вояга етмаган ва ёшларни аниқлаб, уларга “маҳалла еттиликлари¹¹”га бириктириш;

– ҳар бир ҳудудларда ёшларни спорт ва турли хил тўғаракларга жумладан IT ихтисослиги, тил ўрганиш ва касбга йўналтиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш ва бу йўналишда етарли даражадаги молиявий ресурсларни ажратиш, ёшларни муайян миқдордаги стипендиялар билан қизиқишини орттириб бориш, карьера даражасидаги тизимни йўлга қўйиш;

– интернет тизимларининг наркотиклар ва кучли таъсир этувчи моддаларга ёшларни ҳамда вояга етмаганларни қизиқтиришга ва уларни сотувини амалга оширишга қаратилган сайтларидан ҳимоя қилишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– вояга етмаган ва ёшларни ақл идроки, иродасига таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга ундовчи шахсларни аниқлаш

¹⁰ Қаранг: *Черкасов В.В.* Об итогах оперативно-служебной деятельности ФСКН России на 2021 год. №18. - М., 2021. – С. 7.

¹¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 26 сентябрь куни маҳаллабай ишлаш тизимини қучайтириш юзасидан видеоселектор йиғилиши. Манбаа <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/27/mahalla/> (Мурожаат санаси 02.11.2023.)

бўйича доимий равишда тегишли хизматлар, идоралар билан қўшма тадбирларни ҳамкорликда ўтказиб бориш;

– гиёҳванд ва шахсларнинг ақл-идрокига кучли таъсир қилувчи моддалар ва воситалар вояга етмаган ёшларнинг қўлига қандай етиб бораётганлиги тафсилотларини аниқлаш;

– ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан биргаликда “гиёҳвандлик” “ичкиликбозлик”ка дучор бўлган ота-оналарни аниқлаш уларни лозим бўлганда муомала лаёқатини чеклаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга қаратилган ҳужжатларни расмийлаштириш ва тегишли органга тақдим этиш.

Гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишга қарши профилактиканинг фарб тажрибасидан МДХ давлатларида фойдаланиш жуда қийин. Фарб давлатларининг у ёки бу усулини кўчириб ўтказишга ҳамдўстлик давлатларининг иқтисодий имкониятлари ҳар доим ҳам тўғри келавермаслиги мумкин.¹²

Бироқ ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддаларни профилактикаси бўйича қуйидаги бир қатор тадбирларни универсал деб қабул қилиш мумкин:

1) хорижий тажрибалар асосида мазкур йўналишдаги жиноий гуруҳлар билан курашишнинг мукамал қонунчилик асосини яратиш ва ҲМҚОларнинг ишончли ички ва ташқи ҳамкорликни йўлга қўйиш;

2) ўсиб келаётган авлоднинг руҳий-ахлоқий ривожланиши, маданий ва диний тарбия, таълим ва маданият даражасини кўтариш;

4) гиёҳвандликка қарши самарали тарғибот ва ташвиқотларни амалга ошириш. Бунда жамиятнинг барча соғлом қатламлари иштирокини таъминлаш. ушбу фаолиятда энг юқори самара катта қийинчиликлар эвазига наркотикларга мойилликдан қутулган шахсларнинг тарғибот ва ташвиқоти саналади;

5) соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спорт – булар наркотикларни истеъмол қилиш йўлидаги сезиларли тўсиқлардир. Бу ҳақда давлатнинг қайғуриши кўплаб ёшларни наркотик истеъмолидан қутқариб қолади;

б) наркоманларни даволаш ва уларни реабилитациядан ўтказишнинг ривожланган тармоқлари мавжудлиги, шунингдек, кенг миқёсли илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш.

¹² Вапаев С. Р. Вояга етмаган ва ёшлар ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни олдини олишда тезкор-кидирув профилактиканинг ўрни //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 111-116.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ёшлар ва вояга етмаганлар орасида гиёҳвандликка қарши курашиш нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёнинг асосий вазифаларидан бирига айланиб улгурди. Шундай экан бу иллатнинг ёшлар ва вояга етмаганлар орасида кундан-кунга тарқалиб бораётганлиги жуда ташвишлидир. Мазкур жинойтларга қарши курашиш - ички ишлар органларидан пухта таҳлилларга асосланган атрофлича ўрганишни ҳамда кескин чоралар кўришни талаб этмоқда.